



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 741024 Yangibozor shaharchasi,
Telefon: (8-362) , 41-94-255. Faks: (8-362) 41-94-255

2019 йил « 29 » сентябрь № 2184

Янгибозор шаҳарча

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1995 й., 6-сон, 118-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни иш билан таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туманида 2019-йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни корхона, ташкилотлар ва муассасаларга ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан келиб чиққан ҳолда 68 кишини ташкил этадиган 100 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 30.88 фоиз (21 киши);

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 44,11 фоиз (30 киши);

Сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафларидан муллатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 5.88 фоиз (4 киши);

ногиронлар учун 4.41 фоиз (3 киши);

бандликка кўмаклашини марказида иш кидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 7.35 фоиз (5 киши); жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 2.94 фоиз (2 киши);

Одам савдоси жабрдийдалари 4.41 (3 киши)

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиксиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шaroитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар учун болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

мулдатли харбий хизматдан бўшатилганлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашини марказида иш кидирувчи сифатида рўйхатда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун маҳсуе малакани талаб қилинмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари муайян касб-хунарга ва малакага эга бўлмаган шахслар учун эса маҳсуе малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари ташкил қилинсин.

одам савдоси жабрдийдалари учун иш ўринлари
Ўбошқа тоифадаги ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслари учун иш ўринлари.

4. Корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топшида қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг касб ва лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Мухтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асосиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Бандликка кўмаклашиш маркази (Г.Сапорова) беш кун муддатда ушбу қарорнинг 3-илоvasида кўрсатилган ташкилотларга етказсин.

8. Ушбу қарор 2019 йил 1 январдан кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2017 йил 13 октябрдаги 2366-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри бўлган “Янгибозор кўзгуси” газетасида эълон қилинсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими биринчи ўринбосари С.Бекчанов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими в.б



О.Мадрахимов